

Ушбу сонда:

2

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ инсон ҳаётига хавф туғдиради

3

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК МУАММОЛАРИ

4

БИЗ КИММИЗ, ТОМИРИМИЗ ҚАЕРДА?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.Т.Рисқиевни Ўзбекистон

Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Тўхтағуллат Турсунович Рисқиев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 июл

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 18 июл, жума № 110 (1535)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАВБАТДА - «ЛАСЕТТИ»

19 июл куни мамлакатимизнинг автомобил саноатига асос солган Асака автомобил заводи ташкил этилганига етти йил тўлади.

Мустиқ ривожланиш йўлига чиққан Ёш республикаимизнинг жиддий лойиҳаси хоржий экспертларнинг диққат эътиборида бўлди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин, деган турли фикрлар билдирилди. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Ҳеч қандай қийинчиликлар қўзғалган мақсадга эришишга тўсқинлик қила олмади. Қисқа вақт ичида - 18 ойда корейлик ҳамкорлар ёрдамида йилга 200 мингга автомобил ишлаб чиқариш қуввати эга замонавий завод фойдаланишига топширилди. Шу билан бир қаторда, бу ерда меҳнат қилиш учун кадрлар тайёрланди. Юзлаб, минглаб йигит-қиз хоржида

малака ошириб қайтди. Даставвал заводда Жанубий Корейдан келган мутахассислар меҳнат қилган бўлса, айни пайтда юқори раҳбариятдаги бир неча вакилдан ташқари, завод жамоасини маҳаллий кадрлар ташкил этади. Улар хоржилик ҳамкасбларининг илгор тажрибаларини ўрганиб, «ЎзДЭУавто» обрўсини муносиб сақлаб турибди. Заводнинг обрўси эса ҳақиқатдан ҳам баланд. Асака автомобилларининг чет элга экспорт ҳажми ҳам бундан дарак беради.

Утган йил ақунлари бўйича «Нексия» автомобиллари Россияда импорт машиналари орасида сотилиши жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаган эди. Яқинда эса улар Қозоғистонга ҳам экспорт қилина бошланди. Ишлаб чиқариш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

сарф-харажатини камайтириш муаммолари ва ҳоказолар билан шуғулланади. Бу каби корпоратив бошқармалар дунёнинг етакчи автокомпанияларидан қўпдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. Ҳозир заводда 100 дан ортқ тўгарак ишлаб турибди. Уларнинг ишланмаларидан тушган иқтисодий самара ўн миллион сўмни ташкил қилади. Сифат тўгараклари вилоятдаги «ЎзДЭУавто» учун бутловчи қисмларни етказиб бераётган бошқа қўшма

нидан италиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда лойиҳалаштирилган ўрта тоифадаги «седан» автомобилдир, - дейди «ЎзДЭУавто» заводининг корпоратив инновацияларни бошқариш директори Зоҳиржон Жўраев. - Ушбу автомобилни 2002 йилнинг ноябрида «ДЭУ» заводи ишлаб чиқара бошлаган эди. Шартномага мувофиқ, янги русумдаги автомобил Корейдан етказиб берилмаётган тайёр техник қурил-



корхоналарда ҳам жорий қилинапти. 2001 йилда завод ишчилари мамлакатимиз мустақиллиги байрамига «Матиз» автомобилларини, бир йилдан сўнг «Нексия»нинг «Нексия-DOHC» янги модификациясини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳозир эса яна бир янги модел - «Ласетти» русумли автомобилни ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. - Бу Корей Республикаси мутахассислари томо-




Қарши Давлат университетиде 20 дан ортқ йўналиш бўйича олти минг нафар ёш таълим олади. Бу ерда уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кенг ёруғ ва шина хоналар, компьютер маркази, кутубхона талабалар ихтиёрида.

Олийгоҳда ўқитувчи ва талабаларни ихтимойи ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Университет талабалар касабаси уюшма кўмитаси раиси Шарифжон Бобожоновнинг таъкидлашича, Яққабоннинг гўзал ва мафтункор гўшаларидан бири «Дун» қишлоғида талабалар сичатгоҳи фаолият кўрсатиб турибди. Қизилдарё ҳамда Турнабулоқ дарёлари оралиғида жойлашган «Роҳат» оромгоҳи 3,5 гектар майдонни эгаллайди.

Бу ерда бўлганимизда касабаси уюшма кўмитаси раисининг гаплари нечоғлиқ тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Улкан бобонгоқ остидаги ўриндикка ўтиришимиз билан қулоғимизга қуй оҳанглари эшитдик. - Ажабланманг, - деди оромгоҳ раҳбари Рустам Алиев. - Талабалар республикаимиз мустақиллигининг 12 йиллигига тайёрлаган ўз дастурларини намойиш эта-яптилар.

Улар ҳузурига ошидик. Ажабо, ёшлар ўзаро инглиз тилида сўзлашар эдилар. Беиктиёр қизиқиб сабабларини сўрадик. Саволимизга талабалар раҳбари, вилоят минтақавий тил Маркази директори Абдуҳаким Алиқулов изоҳ берди. - Асосий мақсад - талабаларнинг ёғзи таътилини мароқли ўтказиш билан бирга, уларнинг озаки нутқини ўстириш, компьютер тизимини янада мукамал ўлаштириб олишларига эришиш

ТАЛАБАЛАР ОРОМГОҲДА ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎЗЛАШИШМОҚДА



ҳамдир. Бу ерда олийгоҳимизда таълим олаётган барча факультетларнинг энг иқтидорли талабалари тақлиф қилингани ҳам аслида шундан. Уч босқичда 360 нафар иқтидорли талабалар оромгоҳда дам олиб, билимларини мустаҳкамлашди. Тўртинчи босқичда 100 нафар талабани дам олдириб режалаштирилган. Дарвоқе, Англия ва Малайзияда тажриба орттириб қай-

Парда Қурбонвалар олиб бораётган ўқув-машғулотларидан ёшлар хурсанд эканликларини баён қилишди. Бу ерда машғулотлар аниқ дастурлар асосида олиб борилаяпти. Оромгоҳда талабалар учун 400 дан ортқ китоблар келтирилган бўлиб, шунинг 100 дан ортқи инглиз тилидаги адабиётлардир. «Оромгоҳнинг энг дилбар қизи», «Ўткир эҳқиллар мушоираси», «Мустақилликни қуйлайман»,

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

тган Абдуҳаким Алиқулов ҳамда Жанубий Корейда малакасини оширган ўқитувчи

«Инглиз тили - иккинчи тилим» мавзуларидаги тадбирлар билан бирга турли спорт мусобақалари талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Инглиз тилида айтилган шёрлар, қўшиқлар, мулоқот ва ўрашувлар ёшларнинг ўз билим ва малакаларини оширишига катта ёрдам бермоқда.

Мен олийгоҳнинг хоржий тиллар факультетиде таҳсил оламан, - дейди Замира Разақова. - Танлаган касбимдан хурсандман. Мустақил юртимизнинг келажаги биз ёшлар қўлида экан, яратилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, устоз-мураббийларимиздан янада кўпроқ билим олишга ҳаракат қилишимиз керак.

Университет ректори профессор Гулмираза Худойбергеновнинг ташаббуси билан ўтган йили оромгоҳда барча қулайликларга эга бўлган талабалар уйи, компьютер хонаси қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, спорт майдончасини таъмирлаш режалаштирилган. Бу ерда таширф буюраётган ўқитувчилар талабаларнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиб, 15 кун мобайнида олган билим ва малакаларини таҳлил қиладилар.

Хуллас, «Роҳат»даги талабалар учун яратилган шарт-шароитлар ёшларимизни келгусида янада малакали мутахассислар бўлиб етиштиришига кенг эшиклар очади.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири
Суратларда: оромгоҳ ҳаётиндан лавҳалар.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НАЗОРАТДА

Шаҳар шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказида Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази иш бошлади. Самарқанд вилоятиндан ташқари, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларига келтирилётган дори воситаларини экспертиза қилувчи ушбу марказ Америка ва Европа давлатларидан олинган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Мамлакатимизда дори-дармон воситалари келтиришда, айниқса, сотиш жараёнида қатор муаммолар мавжуд, - деди Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиги Аҳмад Юнусхўжаев. - Истеъмолчилар сифатсиз ва яроқсиз дори воситалари сотилаётганидан норози бўлаётгани ҳам бор гап. Эндиликда бундай салбий ҳолатларга қатъий чек қўйилади. Чунки четдан олиб келинаётган ёки ўзимизда тайёрланаётган барча дори воситалари бундай марказларда текширувдан ўтказилмасдан сотувга чиқарилмайди. (УА)

Дўстлик туманида савоатли фермерлар қўллаб топилади. Биргина Қосим Раҳимов номли агрохизмат марказида икки юз нафарга яқин фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар яқинда ташаббус билан чиққан эдилар. Яъни марказ худудидеги Н.Қозоқов номли 3-умумий ўрта таълим мактаби биносини капитал таъмирлаб беришга аҳд қилишганди. Бир миллион сўмдан зиёд маблағ фермер хўжаликлари то-

Ҳамид Фулом, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ЎЗБЕКЛИГИМ - ЎЗЛИГИМ, ФАХРИМ

Истиқлолимизнинг ўн икки йиллик байрамига яқинлашиб бораёямиз. Ўн икки йил поёнсиз тарихга қиёслаганда жуда қисқа давр туюлса-да, аслида қўламини, мазмунини, аҳамиятини билан ниҳоятда залворлидир.

Ўзбек халқи бу янги, сермазун, эътиборли даврнинг қўлуғ қадам билан келишини, буюк ўзгаришларнинг бошланшини асрлар давомида интизорлик билан кутди. Қанчадан-қанча хонлар, бойлар, феодаллар, сон-саноксиз хоржий мустабидлар келиб кетдилар. Муборак еримиз босқинлар зарби остида ингради, халқимизнинг асрлар давомида тўқилган қонидан она заминимизда лола уммонлари қизариб унди, фарёд чекиб чайқалди, сарғайди, сўнди. Алишер Навоий кўларига кўтариб таърифлаган халқ, асрлар давомида ўз эрки учун курашган ўзбек миллати ажнабий мустабидлар олдида ҳеч қачон бошини эгмади, муборак ери учун, Аллоҳ инояти бўлган нури эрки учун асрлар давомида мардона курашди. Миллатимиз, халқимизнинг буюк алломалари асрлар давомида истиқлол байроғини баланд кўтариб, озодликнинг нури уфқи сари мардона юрдилар, тенгсиз жабҳаларда жангларга кирдилар. Адабиёт халқ ҳаётининг кўзгуси, шериат - озодлик, кураш, бахт таронасидир.

Мен ҳам сафдошларим қаторида Истиқлол тонгини шод-хуррам кутиб олганимдан бахтиёрман. Унда унга илк қўловимни йўлагандим: **Ассалом, улуғ халқ, ўзбегим, Дили пок, кутлуг халқ, ўзбегим. Ассалом, ҳур тақдир, истиқлол, Икболим, шарафим, ўзлигим.**

Тонг билан янграйди маҳжиям, Порлайди юксакда қўшим, Йўл кўркәм, эл кўркәм, дил кўркәм, Карвонинг бошлайбер, Юртбошим.

Меҳнатда чиниққан эл улуг, Улуғдир чарогон истиқбол, Мард халқим, эрк шараф, эрк кутлуг, Бахтингдир бу байрам, истиқлол.

Шериятнинг вазифаси халқ билан, давр билан, замон фидойилари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишдир. Давр воқеалари, ҳаёт муаммоларини четда туриб, томоша қиладиганлар ҳам бўлади, давр карвони эса улар ёнидан, катта йўлдан ўтиб кетаверади, бепарво, лоқайд, белисанда бўлишлар йўл чангиде йўқолиб кетаверадилар.

Биз ўн икки йил давомида ўзимиз танлаган янги улуг йўлнинг ўн икки довонини босиб ўтдик. Мухтарам Президентимиз ҳар бир йилга янги бир ном қўйиб берди ва ҳар бирга бир олам янги вазифалар юкляди. Чунинчи, ўтган йил «Қариларни кадрлаш йили» бўлса, бу йил «Обод маҳалла йили»дир. Мен дунёда саксон беш йил яшаган, шунча қиш ташвишларини, шунча баҳор лафотатини кўрган, шунча ёз иссиғида қоврилган, шунча куз неъматларидан баҳраманд бўлган бир инсон Президентимиздан аввал ишлаган бирорта раҳбарнинг халқ орау-умидларига, турмуши, эҳтиёжлари, ҳаёти ва истиқболига бу қадар эътибор берганини, ўз давлат сиёсатини эл-юртнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос қурганини билмайман. Қўлар уриндилар, интилдилар, бироқ ҳеч бирлари ўз мақсадларини давлат сиёсати даражасида амалга ошира билмадилар.

Ҳар бир халқ ва ҳар бир миллатнинг ўз хусусиятлари, ўз миллий манфаатлари, олимлар тили билан айтганда ўз миллий менталитети бўлади. Давлатимиз сиёсати ана шу миллий менталитетга мос ҳолда ишлаб чиқилган ва амалга оширилатган сиёсатдир.

Ер, сув, табиий бойликлар, маънавий хазиналар, ҳамма-ҳаммаси халқнинг мулки этиб, халқ ихтиёрига берилган давлатдир. Бу эса бизнинг мустақил Ўзбекистон Республикасидир.

Ўзбекистон вақили, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси қарға бормасин: Россиядан Америкагача, Туркиядан Мисргача, Хиндиостондан Ҳитойгача ва ундан нари Корей, Япониягача ҳамма ерда ҳурмат-иззатда, сабабки, бизнинг давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз овозига эга мустақил давлатдир. Ана шу мустақил давлат ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилайди.

Президентимизнинг халқ мақоли даражасига кўтарилган ҳикматли жумласи бор: **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз».**

Ўзбек халқи ниҳоятда камтарин, заҳматқаш, дили пок, эътиқоди мустаҳкам, мақсади улуг халқ. Президентимизнинг халқ мақоли даражасига кўтарилган ҳикматли жумласи бор: **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз».**

Давлат раҳбари халқи билан қанчалик фохрланса, халқ ҳам ўз раҳнамоси билан шунчалик фохрланади.

Ҳар бир халқнинг ўзлиги, ўз хислати ва фазилатлари бўлади. Ўзбек халқининг фазилати бир сўзлиги, эътиқодининг мустаҳкамлиги, сўзи билан ишнинг ҳаммиса бирлигидир.

Мен Истиқлолимиз тонгида «Даврон» сарлаҳали шеър ёзган эдим. Маснавий шаклида ёзган ана шу шеъримни радио орқали ҳам, китобхоналар билан урчушуларда ҳам тез-тез ўқиб тураман. Бу - халққа, Ватанга садоқат ҳақидаги шеър ҳозир ҳам ёдимда жонланади, юрагимга фохр хисларини тўлдирлади: **Ёшлиқдагидеяй саз урарев, юрак, Мен ҳали қўл йўллар яшашим керак.**

Сабабки, чин даврон энди бошланди, Халқимга шараф-шон энди бошланди.

Эзгу мақсадим: эл қамолин кўриш, Юртимнинг беқибс жамолин кўриш.

Белни маҳкам боғлаб, ким шимарса енг, Улга саводат ёр, унга олам кенг.

Кимки, Ўзбекистон деса - тилда бол, Кўксини тоғ қадар кўтарар иқбол.

Минг фазилат берган Аллоҳ инсонга, Ҳам оддий фуқаро ва ҳам султонга.

Шу минг фазилатнинг тожи Вафодир, Халқим, сен улугсан, сен бунга қодир.

Садоқат бошингда нури қўйинг, Дилдан фахрлар азиз Юртбошинг.

Аллоҳ умр берсин ҳар бир одамга, Ҳар бир одам келгач нури оламга.

Ишқ, вафо умрбод йўлдоши бўлсин, Эрк бошида нури қўйиб бўлсин.



Эрк гоёси бўлган халқ фарзандиман, Навоийси бўлган халқ фарзандиман.

Халқ улуг, халқ жүшқин дарёин азим, Халқ шонли дарғага қиладди таъзим.

Алқисса, мақсадим: умр кўрайин, Аллодим сафиде мен ҳам юрайин.

Сабабки, чин даврон энди бошланди, Халқимга шараф-шон энди бошланди.

Эл-юртнинг, барча эртдошларимизнинг бир-бирига хурмати, халқимизнинг истиқлолнинг нури гоёсига садоқати, шу йўлдаги фидокорона меҳнати мўъжизалар яратиш шубҳасиздир.

Фидоилиқ, садоқат жонажон халқимизнинг гўзал фазилатидир.

Ўзбекининг ўзлиги устувор экан, унинг юрти обод, эли тинч, бахти барқарордир!

ФЕРМЕР ТАШАББУСИ

монидан тўпланди. Бу хайрли ишда айниқса, «Оқ чашма», «Чорвадор» «Ҳамза ота Анвар», «Холмурод», «Самарқанд» фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Хозирги кунда фермерлар кўмағида мактаб биноси таъмирланиб, янги ўқув йилга шай қилиб қўйилди. Илм масканининг қўшимча бинолари томи шифер би-

лан ёпилди. Тадбиркорларнинг савоатли ишлари бу билан тугамайди. Айни чоғда улар галла ўрим-йигими шартнома режаларини ортиги билан бажариб, марказдаги кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, ёлғиз қарияларга бугдўй тарқатишмоқда. - Бу йил ҳосилдорлик юқори бўлди, - дейди «Ҳамза» фермер хўжалиги раҳбари Рискул Соатов. - Ҳар гектар ердан 60 центнердан сара дон етиштирдик. Шартномавий режани ошириб бажариб, қолган донни ўзимиз олаёямиз. Хайрия ишларида ҳам баҳоли-қудрат қатнашяптимиз. Ўзим ўқув даргоҳи таъмирига 100 минг сўм ўтказиб бердим.

Ж.БҮРНЕВ

«ИШОНЧ» ОТАЛИГИДАГИ КОЛЛЕЖДА

Ёшларимизни юксак замонавий техника ва технологияларни чуқур идрок эта оладиган, эгаллаган билимларини амалда самарали қўлай оладиган кадрлар сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган.




Коллеж бошланғич касба уюшма кўмитаси маъмурият билан доимий алоқада бўлиб, бамаслаҳат иш юритади. Жумладан, кўмита ташаббуси билан қишлоқда истиқомат қилувчи Вафо ота Матқаримов, Уғилжон она Саъдуллаевалар сингари 7 нафар якка-ёлғизлар коллеж оталигига олинди. Касаба уюшма кўмитаси эса банкда ўз хисоб рақамига эга.



Ўқитишнинг 11 та йўналиши бўйича кундузги ва сиртки бўлимларга ҳужжатлар қабул қилиш қизгин давом этмоқда. Биз ҳам ўз навбатида ҳақ ҳўжалигининг турли жабҳаларига етуқ малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган «Фозовот коллежи» жамоасига саломатлик ва ютуқлар тилаймиз.

Ғулмжон ХИДИРОВ,
«Ишонч» муҳбири



«ЎЗКЕЙССЕРВИС»: ЖОЙИДА ТАЪМИРЛАЙДИ

Навоий вилоятида «Ўзкейссервис» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси-ни сервис маркази очилганига тўрт йил бўляпти. Марказ ўтган йилги туманлардаги машина-трактор паркларига қарий 300 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатган бўлса, шу йилнинг ўзига бу кўрсаткич 400 миллион сўмдан ошиб кетди.

Сервис марказининг кўчма устaxonалари «Кейс», «Магнум» тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларини далада таъмирляпти. Шунингдек, марказда ҳоржиз техникасининг муайян қисми-лари ҳам таъмирланаётир. Натижада вилоятда давлатга ғалла топириш шартнома режаси ўтган йилга нисбатан 15 кун илгари бажарилди. Айна пайтда ғаллазорларда 51 «Кейс», 52 Россия комбайни унум билан ишлатилмоқда. Хозиргача вилоят ғаллазорларидан 130 минг тоннага яқин дон ўриб олинди. Бунда, албатта, сервис маркази ходимларининг ҳам салмоқли хиссаси бор.

СПОРТ КИЙИМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Хоразм вилояти биржа марказида ташкил этилган иттиҳослаштирилган кўргазмада 700 турдаги спорт кийимлари намойиш этилди. Ўзбекистонга «Сана» давлат акционерлик компаниясининг 20 дан ортиқ корхонаси ўзларининг энг яхши маҳсулотлари намуналарини кўргазмага тақдим этди.

Биржа марказидаги тақдимотдан сўнг кўргазма «Фезу-Хоразм» тикувчилик акционерлик жамиятининг намойиш залига кўчирилди ва улғуржи ярмарка мақомига эга бўлди.

ПАХТАКОРНИНГ ДОНИ

Пахтакор тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 27 минг 555 тонна дон етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўртача 52 центнердан ҳосил олинди.

Туманда ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораётир. Бу қишлоқ ҳўжалиги тўлиқ фермерлаштирилгани самараси, албатта. Ғаллачилик билан шуғулланган 863 фермернинг етти юз нафари элик центнерга етказиб, эъдан эъди эса 60-70 центнердан ҳосил олди.

(ЎЗА)

Ижтимоий ҳимоя

ҚАРИГАНДА ҚЎЛЛАСИН

Қадимий ва қўна Бойсун азал-азалдан ўзининг ғўзал табиати билан тилларда достон. Зеро, бу масканининг первикор тоғлари, зилу булоқлари, булоён, ям-яшил қир-адирлари, хулласки, бетакорр ва ажиб табиати одамларни доимо ўз бағрига чорлаб, мафтун этиб келган. Она табиатнинг ана шу бебаҳо неъматларини кўз қорачигидек асраш, улардан оқилона фойдаланишда Бойсун ўрмон ҳўжалиги жамоасининг алоҳида хизмати бор.

Ўрмон ҳўжалиги бундан 75 йил аввал ташкил этилган. Хозирги пайтда 75 минг гектардан кўпроқ майдонни ўз ичига олган ҳўжалиқда асосан ўрмончилик фаолияти, қисман қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланилади. Бу ерда меҳнат қилаётган 94 нафар ишчи-хизматчи томонидан ўрмон ҳолатини яхшилаш, кўчатхоналар ташкил этиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ўрмон ҳўжалиги ходимлари ҳудуддаги барча овчилик тadbирларини қонун-қондаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтқазилишни назоратга олишган.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз маъмурият билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қаровдаги ишлар самарасидир, - дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳамро Ҳайдаров. - Маъмурият ҳамда касабақўм ўртасида

тузилган жамоа шартномасига қатъий амал қилинмоқда. Чиндан ҳам, касабақўм раиси таъкидлаганидек, бу ерда жамоа шартномалари асосида иш олиб бориляпти. Ишчиларга барча шароитлар яратилган. Хусусан, ўрмончиларнинг мароқли хордиқ чиқаришлари учун дам олиш хоналари мавжуд. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Умумхалқ байрамлари - Янги йил, 8 март, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш кунлари ҳамда Муσταқиллик тантаналарида дастурхонлар тузалиб, меҳнатда ўрнат қўрсатганлар эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Шу билан бирга ўрмон ҳўжалиги ривожига меҳнат сиңган, эндиликда қарилик гаштини сураётган фаришлар ҳам эътибордан четда қолмаётир. Уларга иззат-икром қўрсатилмоқда. Айниқса, ўрмон ҳўжалигида жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган юксак эътибор кишини қувонтиради. Ишчилар ўртасида турли хил спорт мусобақалари, ўйинлар ташкил этиш ажойиб анъана тусини олган. Бинобарин, маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши ишчилар ижтимоий ҳимоясига, улар ва оила аъзоларини соғломлаштиришдек хайрли масалани сари йўналтирилган.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Кейинги пайтларда дўконлар пештахтасидан болалар овқати, спиртли ва салқин ичимликлар, туз, макарон, қандолат, қолбаса, сўт ва бошқа мuddати ўтган истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар йўқола бошлади. Одамлар соғлиғига хавф солувчи озиқ-овқатлар тўғрисидаги маълумот истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаоллари томонидан ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Шунга қарамадан яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди. Баъзи тadbиркорлар ҳар қандай йўл билан бўлса-да, қўнғанини тўлдиришни уйлашмоқда. Унинг оқибатлари ва жавобгарлиги тўғрисида гирром ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи уйлаб кўрмаяпти. Сифатсиз озуқа организмга дарҳол таъсир этмаса-да, овқатдан заҳарланиш натижасида киши соғлиғини аста-секин емириб боради. Жигар ва буйрақда тўпланиб, овқатланиш аллергиясини келтириб чиқаради. Юрак фаолиятига, асаб, ошқозоннинг қайта ишлаш органлари ва қон айланиш тизимларига ўз таъсирини кўрсатади.

Шунинг учун охириги 2-3 ой ичида вилоятимизда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини аниқлаш анча жонланди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ ИНСОН ҲАЁТИГА ХАВФ ТУЎДИРАДИ

кенгайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»-ги қарори юзасидан вилоят истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш жамияти фаоллари муайян тadbирларни амалга оширмоқдалар. Қарорда жамиятга коммунал ва маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа соҳаларда мониторинг ўтказиш ваколати берилган.

Бошқача айтганда, бозорларда, турли савдо нукталарида сотилаётган сифатсиз маҳсулотлардан истеъмолчиларни ҳимоялашда ҳукумати-миз Жамият ҳаракатига катта ишонч билдирди. Чунки, истеъмолчи-асосий ҳаракатдаги шахс бўлиб, ҳаммадан кўпроқ, маҳсулот ва хизматнинг сифатли бўлишидан манфаатдордир. Лекин ҳануз қонунчилик та-

Сирдарё шахридаги 2513-автокорхонасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд транспорт воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежаб-терғаш борасида ибратли ишлар олиб боришмоқда. Ишлаб топилган маблағ, жамоанинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг маданий хордиқ чиқаришлари ва хайрли тadbирлар учун сарфланмоқда.

Суратда: автокорхона фаоллари.



А.АҚБАРОВ
олган сурат

Истеъмолчи манфаати - муқаддас!

лабларига зид ҳолда дўконларда сифатсиз товарлар билан савдо қилиш ҳолатлари кузатишмоқда. Жумладан, айрим шохобчаларда салқин ичим-

ни алмаштириб беришни пайсалга солиб, 2,5 ойга «чўзиб» келишган. Жамият ҳодимларини аралашуви билан истеъмолчи яроқсиз кир

Яъни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари назорат органи ҳисобланмайди ва савдо марказларининг молиявий, ҳўжалик фаолиятига аралашмайди. Фақат истеъмол маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги мuddати, ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумотнинг ҳаққонийлиги борасида уларнинг манфаатини ҳимоялайди.

Сир эмаски, айрим нопок тadbиркорлар чет эллардан арзон, истеъмол учун яроқсизларни олиб келиб, бундан фақат ўз манфаати йўлида фойда кўрмоқдалар.

Яқинда Тошкент вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмаси, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш мақсадида, «Юксак маданият-ли истеъмолчи» вилоят кўрик-танловини ўтказишни режалаштирган. Мақсад аҳолининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир билимларини оширишдир.

К.ШОДИМЕТОВ,
Тошкент вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси

Кейинги йилларда Жиззах вилоятидаги фермер ҳўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги анча ошди. Шунинг учун ҳам 2002 йилда асосий экин майдонлари уларга бўлиб берилди. Чунки, бошқоқли дон экинларининг 56,6 фоизи, пахта майдонининг 86 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИНИ БАЖАРИШ ФАРЗ

Фермер ҳўжаликларида ўтган йили пахта ва ғалла етиштириш шартномавий режаси ортиги билан уқдаланди. 324,2 минг тонна дон ишлаб чиқарилди. Фермерлар ҳисобидagi сувли майдонларда 32,3 центнерни ташкил этади. Дўстлик туманидаги «Ал-Қобил», «Шоҳжаҳон», «Ҳожи бобо», М. Дадабжон номи, Зафаробдор туманидаги «Ҳосил ота», «Мирали», «Гулшан», «Отабек», «Жавохир - М», Жиззах туманидаги «Файзулла ота», «Янги аср - X», «Мунаввар Нур», Ҳайдарали Отабек номи Мирзачўл туманидаги «Давойи», «Жети-су», «Анор», «Нурбек», «Ил-хом», Зарбдор туманидаги «Умид жиян» каби шахсий ҳўжаликларида пахта тайёрлаш бўйича контрактация шартномалари охириб адо этилди. Таннарнинг камайишига эришилди. Натижада режа кетидан қуввиш, ёқилғи-мойлаш материалларини беҳуда сарфлаш, дон ва пахта толасини ар-

зон-гаровга сотиш ҳолати-га чек қўйилди.

Бугунги кунда вилоятда фермерлар сони 11,5 мингга етди. Уларга ер майдонлари 10 йилдан 50 йилгача берилди. Натижада улар зиммасига катта масъулият юклинди. Бу фермерлар ва тайёрлов идоралари билан тузилган шартнома шартларида ўз ифодасини топган. Унга қўра, шартномадаги ҳосилни етказиб бермаган фермер ҳўжаликларининг жаримага тортилиб, ер бериш ҳақидаги шартнома бекор қилинади. Масалан, дон ва пахта сотиш бўйича шартнома шартларини бажармаган 4653 нафар фермернинг фаолияти таҳлил қилиниб, 599 нафарнинг фаолияти тўхтатилди, 4120 нафар фермер жаримага тортилди. «Келажак - сари», «Ойқор», «Шоҳруҳ Азроний», Турсунбой номи, «Саттор ота» фермер ҳўжаликлари шулар жумласидандир.

Президентимизнинг Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг

муҳим йўналишлари тўғрисидаги Фармойишда маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартиби, яъни аниқ мuddатларини белгилаш, шартномавий муноса-

батлар мазмуни ва моҳияти бosh вазифа этиб белгиланди. Пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-ҳаражат билан етиштириб, шартнома мажбуриятларнинг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш каби кўрсатмалар берилди.

Вилоятда жорий йилдан бошлаб экин майдонлари фермерларга тақсимлаб берилди. Натижада ширкат ҳўжаликлари ўрнида «Агроевросервис» хизмат марказлари тузилди. Айна чoғда тезкор амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида фермерлар билан уяли телефон алоқалари ўрнатилган. Қишлоқ ҳўжалик ишларида учраётган муаммолар шу йўсинда тез хал этилмоқда. Яна бир ибратли иш ҳусусида. Туманларда тажрибали ва малакали деҳқонлардан ташкил топан сертификат беришчилар гуруҳи фаолият кўрсатади.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

«ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ» ЭКСПОРТИ КЕНГАЙМОҚДА

«Ўзэлтехсаноят» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар хорижга 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзига маҳсулотлар яна 11 турга кўпайди. Улар орасида кабел-ўтказгич маҳсулотлари, электр техника асбоблари, ярим ўтказгичлар ва кучли ток трансформаторлари бор.

- Етказиб берилаётган маҳсулотлар географияси кенгаймоқда, - дейди УЗА муҳбири билан бўлган сўхбатда «Ўзэлтехсаноят» уюшмаси ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият ва ресурслар бошқармаси бошлиғи Олмас Абдуллаев. - Уюшма 15 дан ортиқ мамлакатта ўз маҳсулотларини экспорт қилади.

Йилдан йилга экспорт ҳажми ортиб бормоқда. 2002 йилда 14,25 миллион АҚШ долларига тенг товар экспорт қилинган бўлса, бу йил ўш ўз кўрсаткичи 18 миллион долларни ташкил қилди. 2003 йилнинг июлида 8 миллион долларлик маҳсулот сотилди. Хизирда тузилган шартномалар қўзланган мақсадга эришилш имконини беради. Уюшманинг 40 дан ортиқ корхонасида

15 таси экспорт қилувчи корхона ҳисобланади. Улар орасида «Ўзакбел» давлат акционерлик бирлашмаси, «Спектр», «Дойне кабел», «Андижонкабел», «Вика Энтерпрайз» қўшма корхоналари энг йирик етказиб беришчилар бўлиб, хоржий тижорат тузилмаларига турли хил кабел-ўтказгич маҳсулотлари, шу жумладан жаҳон бозорида қадрланган тақчил, мураккаб технология турдаги маҳсулотларни экспорт қилади. Масалан, «Дойне кабел» қўшма корхонаси сув ости денгиз кабелларини ишлаб чиқарса, «Андижонкабел» сув юқтирмайдиган кабеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундай маҳсулотлар сифати жуда юқори. Шунинг учун миқозлар йилдан йилга буртомта беришни давом эттираётир. Ушбу бешта корхонанинг уюшманинг экспорт ҳажмидаги улуши 65 фоизни ташкил қилади.

«Чирчиқтрансформатор» очик турдаги акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қулнишли ток трансформаторлари, кичик станциялар Россия, Қирғизистон, Ироққа талаб катта. Жорий йил бошидан буюн 1 миллион долларлик ана шундай маҳсулот экспорт қилинди.

(ЎЗА)

СОФ ФЙДАННИНГ 60 ФОИЗИ ДИВИДЕНТГА

Хоразм вилоятидаги «Янгириқ пахта тозалаш заводи» очик акциядорлик жамиятида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан корхона ўтган йили олган 105 миллион 700 минг сўм соф фойданинг 60 фоизини дивидент учун ажратди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 32 минг 100 сўмданга тўғри келди.

Маъмурият касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам фондидан 2 миллион 526 минг сўм ажратди. Шунингдек, иссик оувқат, кийим-кечак ҳаражатлари учун 6 миллион 591 минг сўм берилди. Хиссадорлик жамиятида маданий, маиший ва спорт тadbирлари ҳам муҳим иш сифатида қаралмоқда. Бу ўз навбатида корхонада иш унуми ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Ялғоф САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

САВОБ КЕРАКМИ - КЎПРИК ҚУР

Жиззах туманининг Гандумтош қишлоғи вилоят марказига анча яқин бўлиб қолди. Сангвор дарёси устига қурилган кўприк қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги олти чакиримдан кўпроқ масофани тенг ярмига қисқартирди. Кўприк фақат гандумтошларга эмас, шу атрофдаги Қўббоши, Пахтабоши, Янги ҳаёт каби бошқа қишлоқлар аҳолисига ҳам катта қўлайлик яратди.

Вилоятда шу йилнинг биринчи ярмида 30 километрдан зиёд йўл тўлиқ ва 100 километрдан кўпроқ йўл жорий таъмирдан чиқарилди. Зафаробдор тумани ҳудудида эса яна бир кўприк битказилиш арафасида

(ЎЗА)

НАҚД ПУЛ ТУШУМИ

бўйича ўтказилаётган хронометраж самараси

Муаммо юзага келишининг яна бир сабаби баъзи ерларда назорат касса машинасида фойдаланмаслик, чипта бермаслик, нақд пул тушумини банкка топширмаслик каби ҳолатлардир. Бундан кўра мисолдан ҳам кўрса бўлади. Фаллаорол тумани бўйича 36 та ҳўжалик юритувчи субъектлардаги ахвол назардан ўтказилганда 27 тасида қонунбузарлик аниқланди. 13 та ҳолатда назорат касса машинасида фойдаланилмаган. 15 ҳолатда эса нақд пул банкка топширилмаганлиги маълум бўлди.

Шундай қимсалар борки, қандай қилиб бўлмасин бели орғимай шахсий бойлик орғитишга рўжу қилишади. Жумладан, ўзаро таллабчанлик сустигида фойдаланган Ф.Рашидов хусусий фирмасига қарашли «Бахмалсой» бозорига ходим Т.Маматқулова 390,8 минг сўмлик патта пулини ими-жимидида ўзига сақлаб келган. Ушбу маблағ текшириш жараёнида бюджетга тўлалигича ундирилди. Мана бунга нима дейсиз,

Фаллаорол «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятида тармоқлардан тушган 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ банкка топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган. Хар икки ҳолат бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига маъмурий жараималар қўлланилди. Таъкидлаш жоиз, нақд пул тушуми бўйича ўтказилаётган хронометраж ўз самарасини бераётир. 405 та объектда ўтказилган хронометражда ўша кунгача ўртача кунлик тушум-

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

Муаммони ҳал этиш юзасидан қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

А.АБИРКУЛОВ, Фаллаорол туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

даги қоқоқликни барта- рақали ҳосил этиштириш учун барча имкониятни ишга солмоқдалар. Меҳанизатор, пудратчини суҳбатга тортсақ иложи борича гапни қисқа қилиб, яна дала томон ошиқарди. Шарифа Хусенова, дея ўзини та- ништирган аёлдан дала- да ишлаётганларга яра- тилган шароитлар

ҳақида сўраганимизда: – шийпонда хар кун и- сиқ овқат, чой тайёрлана- япти. Бир чети пишқи- члик бошланиб, дастурхон- нимиз мива-чевага сероб бўлди. Биргина муаммо бу иш ҳақимиз кечикаётгани- дир, – дея жавоб берди. Ҳўжалик раҳбарлари, ҳисобчилардан бунинг са- бабини сўради. Маълум бўлишича туман пахта то- залаш ҳиссадорлик жамия-

МАОШ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

ти бултурги ҳосил ҳақини ҳўжаликка вақтида ўтказ- маган. Шунинг учун деҳ- қонларнинг 3 миллион- дан ортиқ пахта терим пуллари ойлار мобай- нида тўланмай келинган. Ажабланарлиси шуки, ҳўжалик маъмурияти, ка- саба уюшма қўмитаси мурасосозлик йўлини тутган. Корхонадан те- гишли маблағни унди- риш учун қатъий чора- тадбирлар белгиланма- ган, тегишли идоралар- га мурожаат этилмаган. Туман прокуратураси- нинг аралашуви билан муаммо ҳал этилди. Қ.Файзуллаев, Д.Фай- зуллаева, Ш.Мирзаева каби ўнлаб пахтакорлар қонуний иш ҳақларини олдилар.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири

Қишлоқ кишилари орийатли, андишали бўлишади. Бирок, андишани қўқоқликка йўйиш ярамайди. Сирдарё вилояти- даги меҳнат жамоаларида бўлганимизда турли соҳа киши- лари Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш ораусида сидқидилдан меҳнат қилишаётганлигининг гувоҳи бўлди. Кимдир янги махсулот ишлаб чиқариш, савобли ишларга қўл уриш билан жавоб бермоқда. Бирок афсуслар бўлсинки қайсидир жамоа етак- чилари ўзларига билдирилган ишончни оқлай олишмапти.

СУДГА ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

Уларда билим, таҳриба ва энг мўҳими изланиш ва ташаб- бус этишмапти. Одатий қийинчиликлар ёки бозор муам- молари олдида эсанқираётганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг оқибатида оддий одамлар азият чекапти. Нега деганда ой- лик маош вақтида берилмаётганлиги боис рўзгорда, оила- вий муносабатларда муаммо ва қийинчиликлар юзага кел- моқда. Таъкидлашларча иш ҳақидан қарздорлик Сирдарё ГРЭСи, Сирдарё МЭСи, Сирдарё ПЭСида катта.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири



Асака шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси соҳа хо- димларини ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътиборни қучайтирмоқда. Ҳамжиҳатликда муаммо- ларни ҳал этиш тадбирла- ри белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, мактаблар қоши- да ташкил этилган ором- гоҳларга жалб этилган ўғил-қизларнинг кўнгилли дам олишларини таъмин- лаш учун барча имконият ишга солинмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўрта- сарой» жамоа ҳўжалигида қад ро- стлаган «Минг чинор» чойхонаси- ни баъзан, чойхона эмас, «мойхо- на» деб айтишса ҳайрон бўлардик. Ҳамма сир кейин очилди. А.Хали- лов чойхона баҳона бино ертўла- сини яширинча ёнилғи-мойлаш ма- териаллари омборига айлантирган экан. Шу боис тракторчилар, «КаМАЗ»чиларнинг ҳам бу ердан қадами узилмасди. Мабодо ертў- лага учқун тушса борми, ҳаммаёқ бир зумда аланга ичида қолиши турган гап эди. Яҳшим солиқчи- лар яширин ёнилғи омборини фаш этиб, хавфни олдини олиб қолди- лар.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фаш этади

ХУСУСИЙ ФИРМА КИРДИКОРЛАРИ

солиқ бошқармаси ходимлари Вазир- лар Маҳкамасининг «Назорат касса машиналаридан фойдаланишда жа- вобгарликни ошириш чора-тадбирла- ри тўғрисида»ги Қарори ижроси юза- сидан «Аслзот» хусусий фирмасига қарашли савдо шохобчаларида бир қанча молиявий бузилишлар мавжуд- лигини аниқладилар. Хусусан, назор- ат-касса машиналари фискал хоти- расига хизмат қилувчи дастурлар атайин бузилиб, тушумларнинг кат- тагина қисмини яшириб қолиш ҳола- ти фаш этилди.

Фирманинг Собир Раҳимов туман- даги «Шаршара» кафедаги ўрна- тилган назорат касса машинасида ўтказилган X ва Z ҳисоб чеклари со- лиштирилганида 20 минг 608 сўмга фарқ қилди. Боз устига аппаратда туман давлат солиқ инспекцияси ва техника хизматининг муҳри ҳам йўқ эди. Бундан фойдаланган раҳбарлар НКМ фискал хотирасига ўзлари ис- теган суммани киритиб, қолган ту- шумларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб қелаверганлар. Метронинг «Чилон- зор» бекатида жойлашган кафе ҳам ушбу фирма тасарруфида бўлиб, тек- ширув пайтида касса машинасида қанча камомат чиқди.

Чилонзор тумани Фарход кўчасида жойлашган фирма дўконидида сотуви- ча А.Абдуазимов жавобгарлигидаги НКМ ҳисоботлари амалдаги савдо тушуми билан солиштирилганда 64 минг 271 сўмга фарқ қилди. Бу ерда ичига «чип» ускунаси ўрнатилган НКМларга кирим қилинган савдо тушумини ис- талганча қамайтириш имкони яратил- ган экан.

Дўкон пештахталаридаги 7,5 миллион сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ- овқат махсулотларининг кирим ҳуж- жатлари ёки сифат сертификатлари

Жасур НОСИРОВ, Давлат Солиқ Қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси

ТУМАН БОШ ПИЛЛАХОНАСИ

8 та ширкат ҳўжалигини чув туширди

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Азамат дала меҳнаткашлари ўз са- доқатларини амалда намойи- ш қилиб, дастурхонимизни тўкин-сочин этиш йўлида Фидокорона меҳнат қилмоқ- далар. Қарс икки қўлдан, деганларидек, уларни ижти- мий қўллаб-қувватлаш, кулай шарт-шароитлар яра- тиш, меҳнатни муносиб рағ- батлантириш билан бирга иш ҳақини ўз вақтида тўла- нишига эришиш лозим.

Туман машина-трактор паркни ҳиссадорлик жамияти- да шундай манзара кузатил- ди. Мутасадди раҳбарлар мута- хассислар боқимандалик кай- фиетидан халос бўлишга ол- маган. Вазирлар Маҳкамаси- нинг «Иш ҳақининг ўз вақти- да тўлиниши учун вазирилик, идора, ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарларининг жа- вобгарлигини ошириш юзаси- дан қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарорини бажари- ш юзасидан аниқ тадбир- лар белгиланмаган. Иқтисоди- ётни юксалтириш, мавжуд им- кониятлардан унумли фойда- ланиш омилини ишга солини- маган. Кези келганда касаба пилла пилла этиштириб бериш юзасидан шартнома тузган. Ширкат ҳўжаликлари шарт- нома шартларини ортиги билан бажаришган. Бирок, захматли меҳнат эвазига этиштирилган кумуш тола ҳосили учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган. Шу туфайли ширкат ҳўжаликлар- ида иш ҳақидан қарздор- лик юзага келган. Қизиги шундаки масала адолатли тарзда қўндалан қўйилган- дан сўнггина корхона мута- саддилари розмана ҳаракат- га тушиб қолди.

ҳўжаликларда маош тўла- ша қийинчилик юзага келди? Бунинг асосий сабабчиси- дан бири туман бош пилла- хонаси очик ҳиссадорлик жамияти экан. У 2002 йил- да 8 та ширкат ҳўжалиги бил- лан пилла этиштириб бериш юзасидан шартнома тузган. Ширкат ҳўжаликлари шарт- нома шартларини ортиги билан бажаришган. Бирок, захматли меҳнат эвазига этиштирилган кумуш тола ҳосили учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган. Шу туфайли ширкат ҳўжаликлар- ида иш ҳақидан қарздор- лик юзага келган. Қизиги шундаки масала адолатли тарзда қўндалан қўйилган- дан сўнггина корхона мута- саддилари розмана ҳаракат- га тушиб қолди.

С.АБЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

БАХМАЛЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Бахмалнинг коллежи иккита бўлди. Икки йил ав- вал сановат коллежи фойдаланишга топширилган эди. 350 ўқувчига мўлжалланган маиший хизмат колле- жи эса яқинда қуриб битказилди. 2003 йил дасту- рига киритилган иншоотлар қурилиши бўйича ўтказил- ган тендерда ғолиб чиққан Жиззах «Академик-лицейколлежервис» бошқармаси бунёдкорлари уни мuddатидан икки ой аввал қуриб битказди. Янги билим даргоҳида тивувчилик, газ, электр асбобла- рини таъмирлаш, молия-бухгалтерия ҳисоби, авто- мобиль назорати йўналишлари бўйича мутахассис тайёрланади. Бундай мутахассислар Бахмал қишлоқ- лари учун ниҳоятда зарур.

Бахмалда маиший хизмат коллежи очилган, вилоятда коллежлар сони 35 тага етди. Истиклоли- мизнинг ўн икки йиллик байраминга Жиззах шаҳ- риди, Жиззах ва Фаллаорол туманларида яна уч коллеж фойдаланишга топширилди.

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙНИНГ ЯНГИ МАРКАЗЛАРИ

Обод маҳалла йилида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг вилоят бўлими хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Маҳаллаларда, олис қишлоқларда яшаётган кам таъминланган оилалар, ногирон болалар саломат- лигини тиклаш, қаровчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олиш мақсадида вилоятнинг қўлгина шаҳар ва туманларида жамиятнинг тиббий ижтимоий марказлари ташкил этилмоқда.

(ЎЗА)



Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АҚШ Мудофаа вазирлигининг Ироқдаги ҳарбий харажатлари қирқ саккиз миллиард АҚШ долларига баҳоланаётди. Пента- гон молия бошқармаси бошлиғи Дов Зохаймнинг маълум қилишича, жорий йил- нинг сентябрга бориб ҳарбий харажатлар яна ўн миллиард долларга ортади. Д.Зах- хаймнинг таъкидлашича, АҚШ ҳарбийлари учун ойига тўрт миллиард доллар сарф- ланмоқда.

Шимолий Корейнинг ядровий дастури юзасидан музокаралар давом этаётди. Кунги кеча АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл те- лефон орқали Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин билан шу масалада суҳбатлаш- ди. Суҳбатда КХДРнинг ядровий муаммоси- ни тинч йўл билан ҳал қилишга ўзаро муро- хотни ва ҳамкорликни давом эттиришга ке- лишилган.

(ЎЗА)

Шарҳловчи минбари

ШАТТЛАР ПАРВОЗИ ҚАЙТА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

АҚШда кўп мартаба фойдаланиладиган фазовий кемалар парвози яна давом этадиган қўндалди. Маълумки, ўтган йили «Колумбия» кемасининг ҳалокатидан сўнг шаттл русумидаги ра- кеталар парвози тўхтатиб турилган эди. Мамлакат Фа- зони тадқиқ этиш ва аэро- навтика миллий маркази (НАСА) директори Шон О'Киф шаттллар парвози келгуси йилнинг апрелидан кечиктирилмай амалга оши- рилишини маълум қилган. НАСА мутахассислари томо- нидан «Колумбия» кемаси фалокати сабаблари ўрга- ниб чиқилган, ушбу қарорга келинган.

Шон О'Кифнинг фикрича, НАСА мутахассислари шат- тллар парвози хавфсизлиги- га яқин вақт ичида таҳдид туғдирувчи бошқа ҳеч қан- дай сабаб қўрқинмаётди. Де- мак парвознинг кечиктири- лишига асос йўқ. НАСА раҳ- бари ўтган сешанбада жур- налистлар билан учрашиб, ўзи раҳбарлик қилаётган идора ходимлари фазовий кемаларда старддан сўнг юзага келган носозликларни ер орбитаси бўйлаб пар- воз вақтида бартафр этиш усулларини излаётганлигини эълон қилган.

Шон О'Киф НАСА мута- хассислари парвоз даврида бартараф этилиши мумкин бўлган носозликлар даражаси- ни аниқлаш билан шуғуллана- ётгани ҳақида маълум қилар экан, муҳандислар ҳозирда ке- маларнинг ташқи ёнилғи бак- лари тузилишига ўзгартириш киритаётганини алоҳида таъ- кидлаган. НАСА раҳбарининг фикрича, мазкур техник янги- лик парвоз вақтида кемани ис- сикдан ҳимояловчи қопламанинг ўзилиб, кема корпусини шикастлашининг олдини ола- ди.


(ЎЗА)



Болалар спорти

«АЗАМАТ-КАРИМ» ДА
НОГИРОН БОЛАЛАР КАРАТЭ БИЛАН
ШУГУЛЛАНИШМОҚДА

«Азамат-Карим» спорт-соғломлаштириш марказини республика миёнадаги эмас, хорижда ҳам яхши билишади. Чунки бундан салкам тўрт йил аввал иш бошлаган ушбу каратэ клубида Ринат Кутуев, Фазлиддин Солиев, Рустам Тошназаров, Нина Назарова, Санжар Носиров, Саидлазиз Бурхонов, Хусниддин Солиев сингари шарқ яккакураши устаслари камол топган.



Мамлакатимиз каратэчиларининг сардори, таниқли спортчи Хужамкул Хўжақулов раҳбарлик қилаётган спорт-соғломлаштириш марказида минглаб ўғил-қизлар ўз саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга маҳоратларини ҳам ошироқдалар. Хозирги вақтда марказнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги филиаллари ўзига 4 минг нафарга яқин каратэ ихлосмандларини бирлаштирган. Уларда 50 нафардан ортиқ тажрибали мураббийлар иш олиб борапти. Масалан, Тошкент шаҳрида 15 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Каратэ жаҳондаги энг омма-лашган спорт тури саналади. Ми-сол учун, Японияда мактаб ўқув-чилари ва боғча тарбияланувчилари махсус соатларда каратэ са-боқларида баҳраманд бўлишади, - дейди спорт-соғломлашти-риш маркази раҳбари. - Бизда бу спорт тури мустақиллик йил-ларидоғида ривожланди, халқро майдонда ўз ўрнимизга эга бўлди.

Хақиқатдан ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлиги, ривожланишига юк-сак эътибор қаратила бошланди. Қисқа вақт ичида юртимиз каратэ усталарининг халқро мусобақаларда улкан ғалабаларни кўлга киритгани ана шу эътибор самара-сидир.

Жуда яхши эсламан. Илк мартаба, 1991 йилнинг март ойида Эронда ўтказилган халқро турнир-

да қатнашган эдик. Ушунда чет эл-ликлар «Ўзбекистон» номини эши-тиб, «Дунёда шундай мамлакат ҳам борми?» дея хайратланиб сўраш-ганди. Шогирдларимдан уч нафари шохсупага кўтарилди. Юртимизга очик юз билан қайтдик. Кейинги хал-қро турнирлар - Испания, АҚШ-да ўтган жаҳон чемпионатларида эса бизни нафақат билишди, балки катта ҳурмат-эҳтиром ва бироз хайкиш билан муносабатда бўлди-лар, - дея хотирлайди Хўжақулов.

Кўплаб мусобақаларда мураббий сифатида қатнашгансиз. Улар ичида бир умр хотирангиз-га муҳрланб қолгани борми? - сўраймиз ундан.

Албатта, шогирдларим анча-мунча халқро турнирларда Вата-нимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Биласизми, мураббий учун шогир-дларининг ғалабаси энг катта бахт. Негаки, устозларнинг барча саъй-ҳаракатлари, машаққатли меҳнати ана шу эзгу максадга қаратилади. Шу сабаб ўзим ғалаба қозонганим-да ўн баробар хурсанд бўлган эсам, шогирдларим ютуғидан юз баробар қувонганман. Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган халқро мусоба-қада 60 килограмм вазнда қат-нашган шогирдим Хусниддин Соли-ев малайзиялик рақиби билан «жа-нг»да аввалига яққол устунлик қила бошлади. Сўнги софияларда эса негадир, хатога йўл қўйди. Нати-жада очколар бўйича мағлубиятга учради. Вахоланки, у ғалабага жуда яқин турганди...

Ха, ҳақиқий жонқур мураббийга шогирдларининг ҳар бир ютуғи бе-мисл куч-қудрат бахш этиб, янги зафарлар сари чорласа, кичкина-янга хато ё камчилик улар қалбига тигдек ботади. Айтгандек, «Азамат-Карим»да яқинда хайрли бир ишга қўл урилди. Пойтахтимизнинг Юн-субоқд туманида жойлашган ноғи-ронлар уйининг 20 нафар тарбия-ланувчисини каратэ билан шуғул-лантириш йўлга қўйилди. Бу хайр-ли ишни амалга оширишда марказ ҳамда ногиронлар уйи ҳамкорлиги жуда кўл келди. Бундан ташқари, бир неча болалар боғчасида ҳам каратэ тўғрисидаги ишлар туриб-ди. Шунингдек, Хўжақуловнинг таъкидлашича, ҳеч қаерда ишламайдиган бекорчи, тарбияси оғир ўнлаб болалар ҳам машғул-ларга жалб этилмоқда. Бунинг учун марказда руҳшунос-шифокор иш ўрни жорий этилган.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
Шавкат АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбирлари
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар



ЛАГУТИН
ОЛИМПИДАГА
БОРАДИ

Яқинда велоспорт бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпи-онатидоғида спортчилар ўттиз километрга шахсий ва 165 километрга жамоавий пойғалар-да куч синнашган эди. Ушбу му-собақада маҳорат қўрсатган велопоёйгачилар мамлакат тер-ма жамоаси таркибидоғида Швей-сарияда бўлган жаҳон биринчи-лиги «Б» гуруҳи баҳраманд ҳам муваффақиятли қатнашди.

Жаҳон чемпионатида йигир-ма беш километрга шахсий ва 151 километрга жамоавий пой-га ўтказилди. Ушбу мусобақа-нинг жамоавий беллашувлари-да дунёнинг кучли велопоёйга-чилари қатнашди. Грециянинг Афина шаҳрида бўлади-ган Олимпидоғида йилларидоғида иштирок этиш ҳуқуқини бер-диган ўн бешта йўлланмадан би-ринчи кўлга киритиш учун ку-рашди.

Биринчиликда юртимиз спортчи шарафини М.Холмуродов, Ю.Глюкин, Д.Шкарбото, Х.Камолитдинов, А.Шнидов ва С.Лагутин ҳимоя қилди. Ўзбе-кистон терма жамоаси мураб-бийси А.Лисянковини ўзбеки-стига маълум қилишча, 25 километрга ўтказилган шахсий пойғада қатнашган М.Холмуродов маррага туртинчи бўлиб өттиб келди. Жамоанинг энг асосий ютуғи эса С.Лагутинга тегишли. Иккиторли пойғаним-из жамоавий пойғада олтинчи ўринни эгаллади ва Олим-пидоғида йўлланмасини кўлга киритди. Энди бу спортчиимиз кел-аси йили Афинада бўладиган велоспорт беллашувларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилиш учун қизгин тай-ёргарлик кўрмоқда.

Шуни эслатиб ўтиш лозим-ки, С.Лагутин Ўзбекистон чемпи-онатидоғида 19 дан 23 гача бўлган спортчилар орасида ҳам шахсий ва жамоавий пой-ғада ҳам муҳим оқоларни кўлга киритиб, халқро раётинда анча юқорига кўта-рилади олганди.

(ЎЗА)

Биз киммиз, томиризм қаерда?

«Восит» каби асарларидан, муфассирлар, калом илимининг олимлари «Қавоид ал-Ақоид», «Ар-Рисолат ал-Қудсийя», «Ал-Иқтидод филь-Эйтиқод» сингари китобларидан, мутасаввиблар ва умман барча ҳақиқат ошқирлар «Ихё улум ад-Дин» номли буюк асаридан баҳраманд

руҳий инқирози. 38 ёшида қўл беради. Қўнлардан бир кун у: «Бутун қилаётган ишларим шон-шўхрат, амалмансаб, нуфуз ва мол-дунё учун эмасмикин?» деган сўзга тўшади. «Хақиқат фақат мутасаввибларнинг яшаш тарзида бўлиши мумкин» деган хулоса унинг тимчини бузади. Шунинг учун у Бағдоддаги мадраса-ни тарк этиб, фабрикага ҳаёт кечирмоққа ўтади. Шу аснода у ейиш-ичишни ҳам кескин камайтирган, оқибатда жисмонан заифлашиб кетган эди. Ҳаззолийнинг шахсий табиблари нима қилишни билмас эдилар. Шу ахлолда у 10 йил элма-эль дарбадар кездиди. Бир дафъа ваазирнинг сўзи-га кириб, Нишопурда ишлаган бўлса ҳам, барибир ишига қаттиқ боғланмади, тузуккина мутасаввибга айлан-ди, то ўлгунча кўзга ташланмай яшайди. Ҳаззолийнинг фалсафий ишлари ҳам талайгина. Уларнинг ичида «Таҳрифат ал-Фалосифа» ҳамда «Максид ал-Фалосифа» асарлари олим ижодида кўзга қўрилган ўринни эгаллади. Буларда Форобий, Ибн Сино, Абу Хайён ат-Тавҳидий рисола-ларининг таъсирини қўриш мумкин.

Ҳаззолийнинг «Муқоша-фат-ул Кулуб» асари ҳақида турк олим ва таржимон Йамон Ориккон шундай де-ган: «Муқошафат ул-Кулуб» Ҳаззолийнинг асарларча ил-гари ёққан юзларча маш-ахласидан бир донаси... Ҳеч қачон сўнмайдиган, соған нур дастларни замон орал-да сўнггиликка қадар тўппа-тўпри сўнмай боради-ган машъулари...

Миразиз АВЪЗАМ

ҲАЗЗОЛИЙ

Ҳаззолий теран билимла-ри, метин иродаси ва қаттиқ таъсир кучига эга бўлган хи-лотобили билан катта шўхрат қозонди. Эътибор кўрди. Меҳр кўрди. Лекин 1096 йил-да кўнглида бир иштибоҳ уй-ғонди, ўз-ўзиндан норозилиги ортиб, мутасаввиб бўлишга аҳд қилди. Моли, эгаллаб турган амали, дўстларини тарк этиб, саяхатга чиқди. Ҳок у ер, гоҳ бу ерда кўри-ниб қолар, гоҳ бедарак йўқо-либ кетарди. Жамоатдан йи-роқ, олам ташвишларидан узок ҳолда фақат илм билан шуғулланиб, умрининг 10 йи-лини ўтказди. Низомулмулк-нинг қаттиқ талаби билан 1105 йилда Нишопурга ке-либ, яна мадрасада мудар-рислик қилди, аммо бу ҳол узок чўзилмади. Тусга кўчиб кетди. Атрофида 300га яқин талаба тўплаб, хусусий дар-слар берди. Ҳаззолий 1111 йилда Тусда вафот этган.

Ҳаззолий 53 йиллик қисқа умри давомида 100га яқин асар ёзиб қолдириди. Мазкур асарлар тафсири, ҳадис, та-рих, фалсафа, фикр, тасав-вуф олимлари учунгина эмас, оддий инсонлар учун ҳам му-ҳим аҳамиятга эгадир. Чунон-ки, фойдалар (юрислар) Ҳаз-золийнинг «Босит», «Вожиз»,

Касаба уюшма тадбири
КЎЧМА КУБОК
БАҲСЛАРИ

Касб эгаларининг спорт орқали ўзаро муносабатга киришуви ҳам жисмонан, ҳам рухан камолотга эри-шиш гаровидир. Айни пайт-да алоқа ходимлари жамоа-лари ўртасидаги тармоқ кўчма кубоги учун мини футбол баҳслари давом эт-моқда.

Пойтахт тармоқ ходим-лари биринчи гуруҳ жамоа-ларининг туртинчи тур ўйинлари қўтилганидек, кўтаринкилик билан ўтди. Ушбу тур ўйинлари ҳақида-ги таассуротлар мусобақа-ларнинг бутун муҳиятини очиб беради, десак хато бўлмайди. Хусусан, «Мах-

ташланган ўзига хос кадам, деб биланган. Яна бир аҳамиятли жойи-шундаки, кўчма кубок баҳс-лари жараёнида қизқариб спорт шуларининг ўтказиб борилиши тадбирга ўзгача руҳ бағишлаган. Шоу даст-турлари ўзининг ранг-бар-ранглиги ва хилма-хил со-винилари билан барча йи-гиланларни фаол иштирок-чига айлантирмоқда. Бу ҳам соҳа вақилларининг спорт-га ошно бўлишларини яна-да рағбатлантириш мақса-дида ўйлаб топилган ажой-иб усуллардандир.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Барча бирдек манфаатдор

Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маи-ший хизмат ходимлари ка-саба уюшма Наманган вило-ят кўмитаси тасарруфидоғи корхона ва муассасалар ўртасида Ўзбекистон Респу-бликаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб тармоқ спартакиада ўтказилди. Уйчи «Ипакчи» хиссадор-

лик жамияти ўйингоҳида бўлиб ўтган мусобақаларда мезбон-лар биринчи, «Намангантек-сти» хиссадорлик жамияти ик-кинчи, Уйчи йигирув тўқув хис-садорлик жамияти учинчи ўринни эгалладилар.

Касаба уюшма кўмитаси ра-ислари ўртасида ўтказилган беллашуларда аёллар ўрта-сида «Атлас» хиссадорлик жа-мияти касабга уюшма кўми-таси раисаси Пазилятхон Сатторова, эркаклар ўртаси-да эса «Намангантексти» хиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Рус-тамжон Убайдуллаев ғолиб чиқдилар.

Ҳолибар қимматбахо сова-галар билан тақдирландилар. Шунингдек, оилавий жамоа-лар баҳсининг ҳар бир ўш қатнашчиларига эсдалик со-вғалари топширилди.

Т.ЖУНАЕВ,
Тармоқ вилоят кўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

ҲОРЛАР СЌРИНИ ОЧАДИ

Баҳмал туманида тарихи мазий маданиятига боғлиқ қадимий иншоотлар қолдиқла-ри топилмоқда. «Гулбулоқ» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Дашти Қарақчи қишлоғида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадим эҳромлар - ибодатхоналар қолдиқлари топилди. Қишлоқ-даги Этионгизтепа ва Иккисо-ғизтепа деб номланган тепа-ликларда ер ости гор-йўлла-ри сақланиб қолган.

Мазкур ғорлар икки минг йилча илгари қўрилган ер ости ибодатхоналари эканлиги аниқ, дейди Ўзбекистон Фан-лар Академиясининг Самар-қанд археология институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Мухтор Пар-даев. - Энди бу ерда катта ҳаҳмада илмий изланишлар олиб боришни мўлжаллап-миз. Олимларнинг хулосала-рига асосан Дашти Қарақчи ер ости эҳромлари Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий ёдгорлиқлар рўйҳати-га киритилди.

(ЎЗА)

Куйинчак дил изҳори
КУТУБХОНАНИ
УНУТМАЙЛИК

Тушунган, билган инсон учун китоб ўқишдан ҳам мароқли-рок машғулот йўқ. Албатта билимдон одамнинг ҳаёт ҳақида ўзига хос тасавури, мушоҳадаси бўлади. Майд-чўйда тур-муш ташвишлари унутилди, китоб олами, ундаги борлик би-лан ашайди. Китобхон оиласидаги турмуш тараз ҳам ўзгача: баҳс-мунозаралар кийим-кечак, мол-дунё ҳақида эмас, балки китоблар тўғрисида бўлади. Табиийки, хондондаги ана шу ҳаёт тарзи, муҳит фарзандлар тарбиясига ҳам ижобий таъ-сир этади.

Лекин, эътироф этишимиз лозимки, кейинги йилларда ку-тубхоналарга эътибор сусайди. Оқибатда бу борада кишини ташвишга соладиган муаммолар ҳам пайдо бўла бошлади. Савол туғилди: Балки турмуш фаровонлигимиз ошиб, ра-дио-телевидение ҳаётимизга сингиб кетганидан шундай бўла-ётгандир? Фикримизча, асло бундай эмас. Сабаби матбуот-ми, радио-телевидениеми ҳар қайсининг ўз ўрни, мавқеи, қолавэра, ўзига яраша ҳаётий зарурати бор. Буни афсуски, ҳамма ҳам бирдай англамайди. Айни қўнларда кутубхонага ташриф буюраётганларнинг кўпчилиги талабалар, илмий та-дқиқотчилар ёки бирон бир зарурат сабаб келганларни таш-кил этади. Шу ўринда кутубхонага фақат китобхонларгина таъсир кўрсатади, деб ўйлаш ҳам албатта нотўғри. Сабаби кутубхона ҳам ўз ўрнида китобхонларга таъсир кўрсатади. Яъни кутубхонанинг вазифаси керакли адабиётлар билан таъминлаб, уларни маъно-маъмунига қара ажратиш биланги-на чекланмасдан балки, китобхонларда китобга, матбуотга қизиқиш уйғотиш борасидаги ишларни ҳам жонлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда кутубхоналарда зарур бўлган кито-блар йўқ дейиш ҳам ноўрин. Афсуски, китоб топилади-ю, китобхон топилмади.

Шубҳасиз, бунинг боиси бирон бир китобини ёки га-зе-та, журнални варақлаганда бундан инсон қанчалар маъна-вий бойлиқка эга бўлишини тасавури қила олмастидандир. Базан биронта асарни ёки матбуот нашрлари билан та-нишганидан сўнг ўзини шунчалар билимсиздай, инсон учун яралган гўзаллиги оромбахш нарсалардан-да бебаҳра юргандай бўлса-ю, барча яратилган китоблар билан танишиб-чиқсам, газета-журналларнинг ҳам ҳар бир нашрини қуза-тиб бурсам, бундан-да ортиқроқ роҳатбахш дамлар борми-кан. Ҳақиқатдан-да мен китоб ёки матбуот нашрларидан ба-ҳра ола билишни ана шундай бир руҳий ҳолатга қийслагим келади.

Бу борада туманимизда анча силжишларга эришилмоқда десам хато бўлмайди. Тумандаги мавжуд 45 та кутубхона-нинг айтарли барчасининг фаолияти тўғрисида тўлиқ ижо-бий фикрлар билдиришмасак-да, баъзилари, жумладан, шаҳар марказий кутубхонаси ва бошқа қўнгина кутубхоналаримизда-да китобларимизнинг сони 367 минг 230 та китоб фондига эга. Шунинг-дек, 3421 нафар китобхон бугунги кунда намунали тарзда ушбу китоб фондидан фойдаланишмоқда. Юқорида айтиб ўтилганидек, кутубхонага нисбатан китобхонда қизиқиб пайдо бўлишда кутубхона ходимининг ҳам роли катта. Қанқони, кутубхона ходими ўз вазифасини қалбдан берилиб бажарса, унинг китобхонлари сони ортади. Буни биз қўнгина кутубхо-наларимизда ўтказилаётган қизиқарли тадбирларнинг самар-асидан ҳам кўришимиз мумкин.

Шу боис яқинда марказий кутубхонада «Маҳалла осой-ишталик қўрғони», Бўйрачи қишлоғининг 2438-тармоқ ку-тубхонасида «Жаннат оналар обғи остидадур», Қиёт қиш-лоқ 10-тармоқ кутубхонасида «Обод уйда поқ одамлар яшай-ди», Чўқли қишлоқ 31-тармоқ болалар кутубхонасида «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

Иброҳим ҲАЖИЕВ,
Шовот туман марказлашган кутубхона тизими директори

мийати касабга уюшма кўми-таси раисаси Пазилятхон Сатторова, эркаклар ўртаси-да эса «Намангантексти» хиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Рус-тамжон Убайдуллаев ғолиб чиқдилар.

Ҳолибар қимматбахо сова-галар билан тақдирландилар. Шунингдек, оилавий жамоа-лар баҳсининг ҳар бир ўш қатнашчиларига эсдалик со-вғалари топширилди.

Т.ЖУНАЕВ,
Тармоқ вилоят кўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

ЎТТИЗ ОЙГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЛОЙИҲА

Ҳозирданок ўз натижаларини бермоқда

Ўзбекистон-Япония давлат-лари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг бир қисми ай-нан касб-хўнар таълими тизи-мини жадал ривожлантириш-га қаратилган. Шунга қўра Япония халқро ҳамкорлик ташкилоти (IBIS) республика-мизда «Ўрта махсус, касб-хўнар таълимининг ривожланти-риш» UZB-R6 лойиҳасини амалга ошириш учун кредит ажратишни йўлга қўйди. Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги, ўрта махсус касб-хўнар таълими маркази ва ЮНИКО Интернэшнл Корпорейшн Япония консалтинг фирмаси ўртасида тўзилган битимга бинаон мазкур лойиҳа 30 ой мобайнида амалга оширили-ши режалаштирилган. Бу бо-рада қатор амалий ишлар бошлаб буюрилади.

Дўстлик, Баҳмал, Мир-зачўл, Пахтакор, Зомин, Зарб-дор туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежла-ри жамоалари кредит лойиҳа-сидан фойдаланиб, ўқув моддий техника базасини муста-ҳкамлаш, кадрлар тайёрла-шни сифат жиҳатдан янада яхшилаш борасида амалий ёрдамга эга бўлишди.

Айниқса Дўстлик туман қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежидоғида амалга ошири-лаётган ишлар диққатга сазо-вордир. Қўнқичар мамлақати-га сафар ҳозирданок ўз са-марасини бермоқда, - дейди коллеж раҳбари Абдуқаҳҳор Исқанов. - Хориз таърибаси-ни амалиётда қўллаш нияти-да эзгу ишларга киришдик. Япониядан 1 миллион 200 ми-нг АҚШ доллари миқдорида ўқув жиҳозлари келтирила бошланди. Булар ичида қиш-лоқ хўжалик махсуслотларини сотиш ва қайта ишлаш уску-налари ҳам бор.

Қишлоқ хўжалик машинала-рини қайта таъмирлаш, агро-номия, ўсимликшўнослик, чорвачилик, лингафон ва ком-пьютер синдфари, астрано-мия, биология кабинетлари учун ҳам жиҳозлар келтирил-ди.

Коллежда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилган. Епик ва очик спорт майдонлари мавжуд. Ўнлаб ёшлар «Баркамол ав-лод» спорт ўйинларида ишти-рок этиб, совриндор бўлиб қайтишди. Қомил Суенов 65 килограммли ваэн тоифаси бўлига кураш тушиб, бронза медали соҳиб бўлди. Қўл тўли бўйича Нилуфар Собирова ҳам фал қатнашди.

Шунингдек, коллежда кураш, волейбол, баскетбол, қўл тўли, шохмот, шашка тўра-рақлари фаолият кўрсатмоқ-да.

Япониялик ҳомийлар замо-навий спорт иншоотлари қуришга ҳам эътибор бериш-моқда.

Б.НУРИЕВ

«МЕТРОПОЛИТЕН» СЎЗИНИНГ ҚИСҚАРТМАСИ

Жаҳонда илк ер ости темир йўли 1863 йили Лондонда ишга тушурилди. 1870 йил метронинг иккинчи йўли қўрилди та-момланди. 1884 йили темир узининг умумий узунлиги 21 километрга, бекатлар сони эса 27 тага етган эди.

Биринчи энг чўқур ер ости метро йўли 1886-1891 йилларда ишга тушурилиб, бекатларига эскалаторлар ўрнатилди. Нью-Йорк (1868 йил), Чикаго (1892 йил),

Будапешт (1898 йил) шаҳарларида шундай йўнлар ишга тушди. Париждаги биринчи метро йўлининг очилиши 1900 йилдаги Халқро саноат қўнғазмаси вақтига тўғри кел-ди.

А.АЛИЕВ тайёрлади

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош мухаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 бося табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.